

Маҳалла

1996 йилдан чиқа бошлаган * 2013 йил 1 октябрь. Сешанба №82 (944) * www.mahallagzt.uz * info@mahallagzt.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!
Қадрли дўстлар!
Ҳар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва кимил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.
Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустақкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлааларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор жоматчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этган, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.
Азиз юртошлар!

Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лунда қилиб айтганда, «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлигимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аён дур.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни қуриш, иқтисодийликни биз учун янги аснода — бозор муносабатлари негизда ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-маъмунини ўзгартиратган кенг қўламли ислохотларни жорий қилиш, мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти таш олаётганини гуруру ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз қўлаги киритган, барчаннинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган омила ва мезоналар хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида авваламбор биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар, узоқни кўзлаган, чуқур уйланган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янгиликлар фикр-лайҳалар, ўзгариш, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг сунъимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шартли бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан: биз билим ва тарбия бериб вояга етказётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдига бош эмгайдиган, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, гайрат-шижоатга тула, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатингиз учун сиз, азизларга — ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлаалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.
Хурматли дўстлар!

Биз бутун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора қучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат айниқса илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалаётган фикрни инобатга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз

ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожини учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.
Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни ҳолисона баҳолар эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислохотларни мантиқий якунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Авваламбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устакхоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида қўришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлиши олий ўқув юр்தларининг моддий-техник базасини янада мустақкамлаш, юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини тақомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада қўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилган, ҳар йили давлат бюджетидан айни шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни, икки босқичли аттестация тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартларга мос равишда, тургидан-турги фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда туб ўзгаришлар амалга оширилатгани олий таълим соҳасидаги кенг қўламли ислохотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз аввало институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илгор олий ўқув юр்தлари даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлааларни нафақат моддий ва молиявий нуқтан назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро ўзвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини — бу умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими бўладими, олий таълим соҳаси бўладими — буларнинг барчасини ягона бир гою, умумий бир мақсад бирлаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз фарзандаримизни жаҳон илм-фани чўққиларини забт этган, чуқур билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етук инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъно-маъмунини ифода этган бўламиз.

Биз сиз, азизлар — мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юр்தларида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлаалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-маоитини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бахисоми жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз равнақи ва тараққиёти йўлида қўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўланма бериш йўлидаги беқиёс хизматингиз, бегараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сўхат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга руҳсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

1 ОКТАБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



ТАЪЗИМ СИЗГА, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР!

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

Ватанимиз келажаги, тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан ёш авлодининг қай даражада камол топишига боғлиқ. Бу масъулиятли вазифани адо этишда ўқитувчилар, устоз ва мураббийларнинг хизмати беқиёс.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнаомлигида ёш авлод камолоти йўлида курсатилган улкан эътибор ва гамхўрликда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатланти-

риш устувор ўрин тутди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган ва бир неча йилдан буюн кенг нишонланаётган 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топтоқда.

...30 сентябрь куни мамлакатимиз таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар мамлакатимизнинг бош майдонидаги хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рам-

зи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган «Маърифат маркази» мажмуи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишдилар.

Шу кун «Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

> [2]

ЭҲТИРОМ

ИНТИЛИШ МУШТАРАК МАҚСАД ВА ҲОЯГА УЙҒУН



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Навқирон авлод истиқболи, шубҳасиз, мамлакат келажагини белгилайди. Ўғил-қизларимизнинг мукамал таълим-тарбия олиши, тўла-тўқис шариотларда меҳр ва гамхўрлик оғушида улғайиши, улар қалбида эзгулик, инсонийлик, ватанпарварлик, мордлик ва азму шижоат туйғуларининг камол топишида меҳридорё устозлар — таълим-тарбия жонкуярларининг ҳиссаси катта.

Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудуди — ҳатто энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий меъморий ечим ва барча зарур ўқув жиҳозларига эга таълим муассасалари қад ростлаб турибди. Фан кабинетлари энг сўнгги техник воситалар билан таъминланиб, дарс жараёнларига илгор педагогик

технологиялар татбиқ этилмоқда. Давлатимиз бюджетининг салмоқли қисми айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилган. Бир сўз билан айтганда, педагоглар тўқис шарт-шароит, муносиб рағбат туфайли бекам куст меҳнат қилоқдалар. Дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида ўқитувчи ва

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Маҳалла — фуқаролар манфаатларининг ҳимоячиси, жамиятда адолат ва демократиянинг қарор топишида ишончли институт, шунинг барбариди, аҳолининг таянчи ва сўянчидир. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах вилояти бўлими томонидан аҳолининг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Фонд томонидан 87 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ёлғиз кекса фуқаролардан 11 нафарига соғлигини тиклашлари учун 7 миллион 160 минг сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, 37 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг оромгоҳларда дам олишлари учун 6 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 5 нафар талабанинг ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилгани эҳтиёжманд ёшларга кўрсатилган гамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Бўлимимиз томонидан кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва нафақа пулларини тайинлаш ва тўлаш ишларини янада такомиллаштириш борасида вилоятдаги мавжуд 306 та фуқаролар йиғинига зарур услубий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Келгусида бу каби хайрли ишлар кўпамини янада кенгайтираимиз. Зеро, маҳалла кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватладиган, сўянчидир, аҳолининг таянчи бўлиб қолавереди.

Абдумажид САТТОРОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Жиззах вилояти бўлими бошқаруви раиси.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

Тинчлик бор жойда ободлик бўлади

Истиқлол берган имкону неъматларнинг ҳисобига етиш қийин. Аммо шуниси аниқки, мустақиллик бизга, энг аввало, ҳақ-ҳуқуқимизни қайтарди — эркин ва обод дийримизга эгаллик қилиш ҳуқуқини инъом этди.

Муҳтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида бу ҳақда: «Биз олдимизда қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодийликни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора ётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинми?»

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ», дея қатъий эътироф этдилар. Дарҳақиқат, истиқлолнинг муъжизакор қудратини Фарғонадаги ҳар бир қишлоқ, кенту шаҳар қиёфасида ҳам яққол кузатиш мумкин. Ўтган йиллар мобайнида аҳолининг барча қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини ошириш, оилавий даромад қўламини кенгайтириш борасида мақтаса арзигулик ишлар амалга оширилди. Юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаёт миллий қадриятларимизнинг қайта тикланиши, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик туйғуларининг мустақкамланишига, маҳаллалар, аҳоли турар-жойларини ободлаштириш сингари эзгу ишларнинг амалга оширилишига сабаб бўлмоқда.

> [2]



МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

ҲАР ГЎШАДА ЯРАТИШ ВА ЯШНАТИШ ИШТИЁКИ МУЖАССАМ



Зубайдаҳон ёшлигидан кийим тикишга қизиқарди. Улғайган сари унинг бу орзуси аниқ мақсадга айланди. Айни вақтда у моҳир тикувчи. Ҳунаридан барака топаётир, қолаверса, либос тикиш сирларини маҳалла ёшларини ҳам бахбардор этмоқда.

— Мамлакатимизда ҳунари киши доимо эъзозда, айниқса, бу борада аёлларга яратилаётган имкониятларнинг чеки йўқ, — дейди Зубайдаҳон Алимова. — Ушбу шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, 4 нафар шогирдим билан кичик чех очдик. Ҳозирда ишчилар сони 15 нафарга етди. Маҳалламиз Денов шаҳрининг

марказида жойлашгани боис, мижозларимиз бисёр. Бундан ташқари, хотин-қизлар тикиш сирларини ўрганиш мақсадида келмишди. Мен уларга имкон қадар кўмак беришга ҳаракат қиламан. Фаолият жараёнида 9-сонли фуқаролар йиғини билан мустақам алоқа ўрнатилгани учун ҳунар ўзлаштиришга маҳалланинг асо-

сан, кам таъминланган қатлами вакиллариини жалб этишга интиламиз. Қувонарлиси, бугун шогирдларимизнинг кўпчилиги ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Бу билан ҳудудимизда тадбиркор аёллар сони ортди.

Ҳа, доно халқимиз ҳунар — зар, дея бежиз таъкидламайди. Бунга Денов шаҳридаги 9-сонли маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг ҳунардонларини қўллаб-қувватлаш, улар имконияти ва салоҳиятидан унуми фойдаланиш борасида амалга ошираётган ишлари, бунинг натижасида қўлаб хонадонларда моддий аҳволнинг яхшиланиб бораётгани яққол мисолдир.

Тўғри, бугун юртимиздаги қайси бир маҳаллада бўлманг, кишилардаги яратиш ва яшнатиш иштиёқи, ташаббус ва изланиш самараларининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайиб, маҳалладорнинг оилавий бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш марказларига айлиниб бораётгани, соҳага оид қонун ҳужжатларининг замон талабига мос равишда такомиллаштирилганлиги энг самарадор бизнес тўғри — оилавий корхоналарнинг жадал оёққа туришига омил бўлаётир. Дунё таърибасида ҳам учрайдиган ушбу йўналиш юртимиз иқтисодий салоҳиятининг равангага ҳисса қўлиши муқаррар.

Дарҳақиқат, маҳаллада ишбилармон ва ташаббускорлар сони ортмоқда. Турум Мўминов, Маҳмуд Шеров, Муҳаммади Рашидов, Турсунбой Азимовларнинг муваффақиятли бизнес фаолиятлари нафақат ўзлари, балки бугун маҳалла аҳлига ҳам наф келтирмоқда. Улардан бири курилиш моллари ишлаб чиқариши йўлга қўйиб, ҳудуд ёшларини иш билан таъ-

минлаган бўлса, бошқаси турли уй-рузгор буюмлари ясаб, сифатли ва аризон маҳсулот билан аҳолини хушнуд қилапти. Шавкат Бойматов эса томорқасидан унумли фойдаланиб, турли-туман гул қўчатлари етиштирмоқда. Унинг сердаромад ишини ўрганаётганлар кўпчилигини ташкил қилади.

Дарвоқе, жорий йилда «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича масаҳатчи» кўрик-танловининг Денов шаҳар босқичида мазкур маҳалла вакили — Ойтош Бойқулова ҳудудда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликни йўлга қўйиш, ҳунармаңд аёлларни қўлаб-қувватлашдек хайри ишларда доимо бош-қош.

Миллий қадрият ва эзгу анъаналар бешиги бўлган маҳалланинг жамиятимизда тинчлик-тотувлик, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва аҳилликни мустаҳкамлашдаги аҳамияти тобора юксалмоқда. Айниқса, оилавий бизнеснинг тараққий этиши, маҳаллага саноат тармоқларининг кириб келиши аҳоли бандлигини таъминлабгина қолмай, юрт ободлиги, оилабона тотувлигини таъминлашда ҳам бош омил бўлмоқда.

Нигина ШОЕВА. Сурхондарё вилояти.



Ҳалоқат тўфони

Хитойнинг Сиса архипелаги ҳудудида ҳаракатга келган «Вутип» тўфони оқибатида бортида 60 нафар балиқчи бўлган икки-та кема чўкиб кетди.



Балиқчиларнинг 13 нафари қутқариб олинган, қолган 47 нафари эса бедарак йўқолган. Шунингдек, мазкур тўфон натижасида 28 нафар экипаж аъзосидан иборат бошқа бир балиқчи кема билан ҳам алоқа узил-

ган. Жабрланганларни топиш мақсадида Хайнань ороли ва Гуаңдун маъмурияти вертолет ҳамда қутқарувчи кемалари ишга соғди.

«Вутип» Тинч океани минтақасида юзага келган 21-тропик буртанидир. Яқинда кунни мамлакат жанубида мавсумдаги энг кучли тўфон — «Усаги» натижасида камиди 25 нафар киши қурбон бўлган. Кучли довул даҳлат ва симёғочларни йиқитиб, автомобилларни йўлдан чиқарган, оқибатда бир қанча туманлар электр энергия ва сув таъминотисиз қолганди.

Қаноти билан қўнди

Италиянинг «Alitalia» авиакомпаниясига қарашли «А-320» самолёти Рим аэропортига ҳалоқатли ҳолатда қўнди.



Мадриддан келаётган самолёт шассининг чап тир-

гаги ва ўнг қаноти билан қўнган. Маълум бўлишича, авиалайнер учувчиси шассининг ўнг тиргаги жойидан чиқмагани сабабли авария ҳолатида қўнган рухсат сураган ва изн берилгач, уни амалга оширган. Бироқ самолёт бортидаги 151 нафар йўловчининг ҳеч бирига зиён етмади.

Мазкур ҳолатга сабаб бўлган омиллар ўрганилмоқда.

Касалик чекинади

БМТнинг ОИТС бўйича бирлашган дастурлари (UNAIDS) ижрочи директори ўринбосари Луис Лурес 2030 йилга бориб инсоният мазкур касалик устидан ғалаба қозонишини баён қилди.



Янги дорилар ҳамда даволаш усуллариининг юзага келиши муносабати билан касалик бутунлай бартараф этилади. ОИТС касалик сифатида мавжуд бўлиб қолаверсади, бироқ вирус қамдан кам ҳолатларга юқади. Айни

пайтда дунё бўйича ҳар йили машғум хасталик билан оғриётганлар сони уч миллионга ошиб, у туғайли 1,7 миллион киши ҳаётдан қўз юмқоқди.

Бундан 20 йил олдин касаликнинг йиллик давоси 20 минг долларга тушган бўлса, утган давр мобайнида яратилган дорилар туғайли бутун ана шу мақсад учун 150 долларга сарфланмоқда. Сўнги 10 йил мобайнида ОИТСни юқтириш билан боғлиқ қаматлар йилга 20 фоизга қамайди. Уни юқтирганларнинг даволаши эса охиригича икки йилда 60 фоизга осди.

Интернет маълумотлари асосида Ф.КОМРОН тайёрлади.

ИШ БИЛГАНГА БАЛТИ!

МЎЙНОҚ БАЛИҚЧИЛИГИ РИВОЖ ТОПМОҚДА

Мўйноқ — Қорақалпоғистоннинг оролбўйи туманларидан бири. Ушбу ҳудуд номини эшитиб, беихтиёр бир пайлар балиқчиликка ихтисослаштирилган, мамлакатга минглаб тонна «луқмаи ҳалол» етказиб берган маскан ёдга тушади.



Сир эмас, минтақадаги экологик иқдор боис ушбу неъмат бой берилади. Бир вақтлар денгиз тўққинлари ювган қирғоқлар қум барханлари билан қопланди, экотизим издан чиқди.

Аммо бугун туманда заҳматкаш инсонлар саъй-ҳаракати, соҳа жонқуярларининг изланишлари натижасида балиқ етиштиришга муайян муваффақиятларга эришилмоқда. Айниқса, илгари балиқ боқиш таърибасини обдон ўзлаштирган тумандаги 1-сонли маҳалла аҳли ушбу имкониятлардан унумли фойдаланишга астойдил бел болаган. Байрон Акимов — маҳалланинг ишбилармон тадбиркорларидан. Унинг ҳўжалигида етти турдан зиёд балиқ парвариланади. Уч йилдан бери шу соҳада иш юриятётган тадбиркор маҳалла аҳлининг ҳам маънафини эътибордан четда қолдирмайди. У турли тадбирлар ташкил этишининг ташаббускори, кам таъминланганларга моддий ёрдам кўрсатишда йиғин фаолларининг доимий кўмакчисига айланган.

— Балиқ гўшти оқсил ҳамда аминокислоталарга бой, — дейди Б.Акимов. — Ҳайвон гўштидаги оқсиллар 87-89 фоизгача ҳазм бўлса, балиқ таркибидagi оқсиллар инсон организмга 93-98 фоиз сингиб, ошқозон секретциясини фаол ишга туширади. Шу боис ҳар бир киши йилга камиди 13,2 килограмм балиқ гўшти истеъмол қилиши зарурлиги мутахассислар томонидан қайд этилган. Бизнинг ҳўжалигимизда асосан, сазан, оқ балиқ, илонбалиқ, дўнгпешона, оқ ва қора амур балиқ турлари парвариланиб, аҳолига арзон нархларда тақдим этилади. Фаолиятимизда маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорлик мустаҳкам ўрин тутди. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг туман бўлинмаси томонидан ову ва маҳаллалардаги балиқчилик билан шуғулланувчи тадбиркорларга мунтазам кўмак бериб келинмоқда.

Йиғин раисаси Амина Аллапарованинг таъкидлашича, 1-сонли маҳаллада Б.Акимовдан ўрнак олиб, балиқ етиштиришни йўлга қўйётганлар кўпчилигини ташкил этади.

— Иқтисодий таъминлашнинг жадал ривожланиши, хусусан, ҳар бир соҳа тараққийотининг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани муайян муваффақиятларга эриштиришга имконият берди. Жорий йилда давлатимиз томонидан соҳани ривожлантиришга қаратилган 448 та лойиҳа тасдиқланди, уни амалга ошириш учун ҳозирга қадар 17838 гектар табиий ва 1658 гектар сунъий сув ҳавзалари ажратилди.

Шуниси аҳамиятлики, жорий йилнинг биринчи ярим йилида 511 та балиқчилик ҳўжалиги ташкил этилиб, уларда 1302 та янги иш ўрни яратилди. Йил якунигача, ушбу ҳўжаликларда 2207 тонна қўшимча балиқ етиштириш кўзда тутилган. Бундай кўрсаткичлар, шўбҳасиз, аҳолининг фойдали маҳсулотга бўлган талабини қондиришга, оилалар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши тайин.

Юдуз ҲОЖИЕВА «Mahalla»

ФАРОВОН ТУРМУШ КЎЗГУСИ

ТЎКИН, БАРАКАЛИ, АРЗОН

юртимиз бозорларида айни манзара намоён

Осуда юртда ҳамisha мўл-кўччилик, дастурхонларда тўкин-сочинлик бўлади. Бугун меҳнаткаш деҳқонларимизнинг хирмони баракали, бозорларимизда мева-сабзавотлар, полиз экинлари, озиқ-овқат маҳсулотлари сероб.

Хусусан, пойтахтимизнинг ҳамза туманидаги Паркент бозори ҳудуд аҳолисини турфа нознеъматлар — қизариб пишган нонлар, заминимизда етиштирилган сабзавотлар, тилёрар тарвузу қовунлар, шафтоли ҳамда узумлар, гўшт ва сўт маҳсулотлари билан таъминламоқда. Нархлари ҳамёнбоб.

Шу агрофда жойлашган «Истиқлол», «Мустақиллик», Шароф Рашидов номидаги маҳалла аҳолиси рўзгор учун харидни мазкур бозордан қилишади.

— Кунора бозорга тушман, — дейди «Мустақиллик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зайтуна Умарова. — Тўкин-сочинликка, тартибга нима етсин. Илгари сотувчилар учун ҳам, харидорлар учун ҳам ҳеч қандай шарт-шароит йўқ эди. Бугунги кунда бозорларимизда шароит яхши. Паркент бозорига озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, кийим-кечаккача мўл.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда

бозорлар ва савдо мажмуаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, сотувчилар ва харидорлар учун қўлай шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мухтарам Юртбошимизнинг 2010 йил 26 апрелда қабул қилинган «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини



Дилдора ҚАРШИБОВЕВА «Mahalla»

Ушбу сурат.

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

ЭҲТИЁТКОРЛИК ДОИМО АСҚОТАДИ

Катта меҳнат ва маблағ эвазига яратилаётган оқ олтин ҳосилни нест-нобудсиз, ёгин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олиш бугуннинг долзарб вазифаси.

Бу борада давлатимиз томонидан пахта ҳосилни ўз вақтида етиштириш ва талафотларсиз йиғиб олиш, сифатли қайта ишлаш ва уни хорижда экспорт қилиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, пахта йиғим-терим мавсумини ёнгиналардан холи яқунлаш ҳамда хомашени сақлаш ва қайта ишлаш корхоналаридаги рўй бериши эҳтимоли бўлган кунгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида Давлат нозорати органлари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг қамровли тадбирларни ўтказиб келаётир.

Бундай профилактик-тушунтириш ишлари самараси ўлароқ, жойларда мавсум олдиндан барча техника ва технологиялар текшириб чиқилди. Пахтани сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарининг ёнгина хавфсизлиги тегишли нозоратдан ўтказилиб, улар замонвий ўт ўчириш техникалари, турли ускуналар билан жиҳозланди.

Терим мавсумига сифатли тайёрларлик кўриш ва ёнгиналарнинг олдини олиш мақсадида Давлат ёнгина нозорати органлари ходимлари республи-

га ёрдам бериши муқаррар.

Эҳтиёткорлик доимо асқотади. Қолаверса, ёнгина хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш давлат ва халқ мулкани асраб-авайлашга даҳлдор. Бу борада бепарволикка йўл қўйилиши ёки зиммадаги масъулиятни ҳис этмаслик — муқаррар жазога олиб келади. Соҳа ҳодимлари томонидан ўтказилаётган текширув ва ўрганишларда ёнгина киши хавфи бўлган 9 та корхона, цех ва омборхона иш фаолияти вақтинча тўхтади. 112 та носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди. Ёнгина хавфсизлиги қоидаларини бузган ёки уларни бажармаётган 116 нафар раҳбар жавобгарликка тортилди, ишчи ва хизматчиларга 11 миллион 751 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар солинди.

Табиийки, бундай чора-тадбирлар бесамер кетмайди. Пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктларида 4847 та камчилик аниқланган бўлса, изчил саъй-ҳаракатлар натижасида шу пайтга қадар 3569 тасдиқли қайта ўнланди.

Ҳодимларнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги иш унумдорлигини оширади. Айнан ушбу мақсадларда соҳа ишчи-хизматчилари ўртасида 604 ма-

та ёрдам бериши муқаррар.

Эҳтиёткорлик доимо асқотади. Қолаверса, ёнгина хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш давлат ва халқ мулкани асраб-авайлашга даҳлдор. Бу борада бепарволикка йўл қўйилиши ёки зиммадаги масъулиятни ҳис этмаслик — муқаррар жазога олиб келади. Соҳа ҳодимлари томонидан ўтказилаётган текширув ва ўрганишларда ёнгина киши хавфи бўлган 9 та корхона, цех ва омборхона иш фаолияти вақтинча тўхтади. 112 та носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди. Ёнгина хавфсизлиги қоидаларини бузган ёки уларни бажармаётган 116 нафар раҳбар жавобгарликка тортилди, ишчи ва хизматчиларга 11 миллион 751 минг сўм миқдорда маъмурий жарималар солинди.

Табиийки, бундай чора-тадбирлар бесамер кетмайди. Пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктларида 4847 та камчилик аниқланган бўлса, изчил саъй-ҳаракатлар натижасида шу пайтга қадар 3569 тасдиқли қайта ўнланди.

Ҳодимларнинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги иш унумдорлигини оширади. Айнан ушбу мақсадларда соҳа ишчи-хизматчилари ўртасида 604 ма-



ротаба тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Матълумки, пахта толаси тез йиғиб олгач, масъулият янада ортади. Терим иштирокчиларининг пахта майдонлари ва сақланадиган жойларда чекиши, оқиқ оловдан фойдаланиши, йиғиштирилган пахтани далада қолдириши, мавсум техникаларини ёнгина учирининг бирламчи воситаларисиз ва ўқун ўчиргичсиз ишлатиши, пахта терим машиналарининг бункерларини бушатмасдан ёқили қўйиши, ёқилги ва мойлаш таъминоти носоз трактор, машиналар ҳамда кичик механизмлардан фойдаланишлари қатъиян ман этилади.

Ўз вақтида аниқланиб, тегишли чора қўрилса, ҳар қандай камчиликни бартараф этиш мумкин. Акс ҳолда у оқибати ўнганмас асоратларни келтириб чиқаради. Шундай экан, турли нохушликларга, хусусан, тилсиз ёвга қарши чора-тадбирлар белгилан доимий ва пайсалга солинмайдиган вазифа. Ана шу ҳақиқатини ҳар бир терим иштирокчиси ёдга тутиши ва йиғим-терим мавсумини ҳамжихатлик билан ўтказиши зарур.

Анвар ХУДОЙҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгина хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси, майор.

СПОРТ

ШАХМАТ МАЛИКАЛАРИ
МУСОБАҚАСИ ЯКУНЛАНДИ

ЎЗА СУРАТИ.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Халқаро шахмат федерацияси, мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган хотин-қизлар ўртасидаги ФИДЕ Гран-присининг учинчи босқич баҳслари ниҳоясига етди.

Хотин-қизлар ўртасидаги олти халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси жаҳон шахмат тожи учун курашиш имконини бердиган мусобақадир. 2013-2014 йилларда утказиладиган ушбу турнирда умумий ҳисобда 18 нафар шахматчи иштирок этади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан шахматчи уйнайди. Шу тариқа уларнинг ҳар бири Гран-при сериясидаги тўрттадан турнирда қатнашади. Яқунда энг кўп балл жамғарган шахмат устаси 2015 йилда амадаги жаҳон чемпиони билан шахмат тожи учун ўн партиядан иборат учрашув ўтказиш имконига эга бўлади.

Гран-при босқичларига Женева, Дилижан, Тошкент, Хант-

Мансийск, Тбилиси ва Эрденет шаҳарлари мезбонлик қилади.

Пойтахтимизда ўтган нуфузли турнирда ўн икки нафар кучли шахматчи — Осиё чемпионати ва Осиё уйинлари кумуш медали совриқдори, халқаро гротсмейстер Нафиса Муминова, жаҳон шахмат олимпиадаси, жаҳон ва Европа чемпионати совриқдори грузиялик Бела Хотеншвили, қизлар ўртасида кўп карра жаҳон чемпиони ҳиндистонлик Хампи Конеру, Осиё чемпионати кумуш медали совриқдори ва Хитой чемпиони Цзю Веньцзюнь, жамоавий жаҳон чемпионати, Европа чемпионати голибаси, тезкор шахмат — блиц бўйича жа-

ҳон чемпиони украиналик Катерина Лагно билан дуранг уйнади.

рина Лагно, жаҳон ва Европа чемпиони болгариялик Антоанета Стефанова, 20 ёшгача қизлар ўртасида жаҳон чемпиони ҳиндистонлик Харика Дроновалли, жаҳон ва Европа чемпиони, жаҳон шахмат олимпиадаси икки карра голибаси россиялик Александра Костенюк, Европа чемпионати совриқдори ва олти карра Арманистон чемпиони Элина Даниэлян, 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони россиялик Ольга Гирия, 20 ёшгача бўлган қизлар ўртасида жаҳон чемпиони хитойлик Чжао Сюэ, халқаро турнирлар голибаси қозғистонлик Гулисхон Накбоева иштирок этади.

Мусобақа қондасига кўра, ФИДЕ Гран-приси босқичида шахматчилар бир даврли тизимда жами 11 партия уйин ўтказди. Нафиса Муминова қозғистонлик Гулисхон Накбоева ва хитойлик Цзю Веньцзюньни мағлубиятга урради. Арманистонлик Элина Даниэлян ва украиналик Катерина Лагно билан дуранг уйнади.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ўтган тақдирлаш маросимида 8 очко билан биринчи ўринни эгаллаган Хампи Конеру олтин медал тошириди. Кумуш медал Бела Хотеншвили, бронза медал Катерина Лагнога насиб этади.

ФИДЕ Гран-присининг тўртинчи босқичи 2014 йилнинг 2-16 май кунлари Россиянинг Хант-Мансийск шаҳрида бўлиб ўтади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этади.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

БОШ СОВРИН УЧУН КУРАШ

Кеча «Футболимиз келажаги» Республика кубоги мусобақаларининг якуний босқичида ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди.



Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» стадионида ўтказилган бахсларда минтақавий босқичда голиб чиққан жамоалар финал йўланмаси учун майдонга тушишди.

Дастлабки учрашувда Фаргона вилояти Риштон туманидаги «Чиннигарон» маҳалласининг 9-10 ёшли футболчилари жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Туртқул туманидаги «Туркистон» маҳалласи вакиллари 3:1 ҳисобда мағлуб этади. Иккинчи учрашувда Навоий шаҳридаги «Ис-

тиқлол» маҳалласи ёшлари Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги «Янги ҳаёт» маҳалласидан келган тенгдошлари дарвозасига жавобсиз 2 та тўп киритишди.

11-12 ёшлилар ўртасидаги бахсларда Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги «Қорабўйин» маҳалласи жамоасига қарши майдонга тушган Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги «Бувайда» маҳалласи футболчилари йирик — 3:0 ҳисобидаги галабани тантана қилишди. Тошкент

шаҳри Яккасарой туманидаги «Қўшбеги» маҳалласи ва Хоразм вилояти Хива туманидаги «Бинокор» маҳалласи вакиллари ўртасидаги учрашув 1:0 ҳисобида пойтахтликлар фойдасига ҳал бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида ўтказилган 13-14 ёшли чарм тўп усталарининг баҳси ҳам қизгин ва муросасиз курашларга бой бўлди. Унда Фаргона вилояти Бағдод тумани «Ирғоми» маҳалласи жамоаси Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Мирзақул» маҳалласи жамоаси устидан 5:3 ҳисобида галаба қозонди. Бухоро шаҳридаги «Чорбахосса» маҳалласи ва Навоий шаҳридаги «Баҳор» маҳалласи жамоалари ўртасидаги учрашувда омад бухороликларга кулиб боқди. Умумий ҳисоб 1:0.

Бутун марказий «Жар» стадионида ўтказиладиган финал учрашувларида кечаги бахсларда галаба қозongan жамоалар бош соврин учун майдонга тушишди. Мағлуб бўлганлар эса, 3-ўрин учун узаро кураш олиб боришди.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

Диққат, янги акция!

«Mahalla» ҳар бир хонадонга!

Хурматли юртдошлар!

Жорий йилнинг 20 сентябридан 31 декабрга қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга! акцияси ўтказилади. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қўйидаги купонни тўлдириб, тахририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.

Тахририятга келган купонлар жамланиб, ҳар ўн кунда бир марта ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан уч нафар ютуқ эгалари аниқланади. Ҳар ўн кунлик натижалар газетада эълон қилинади.

Ҳар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо маншій техника буюмлари билан тақдирланади.

Ютуқ эгалари газетга йиллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна қитъанциясини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топишиқномаининг аслини кўрсатишлари шарт.

Шошилинг, акциянинг иккинчи навбатига старт берилди.

Исм-шариф:

Манзил:

Телефон:

Обуна бўлган сана:

2-КУПОН

«ОБУНА 2014»

Хурматли устозлар!

Qishloq Qurilish Bank

барчанизни 1 октябрь —
Ўқитувчи ва нураббийлар кuni
билан елмиий муборакбод этади!

Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ҳамда улугвор ишингизга омадлар тилаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини тақлиф этамиз.

Миллий валютада:

«Мустақил диёр» — муддати 2 ой

«Хумо» — муддати 2-6 ой

«Истиқлол» — муддати 6 ой

Хорижий валютада:

«Стимул» — муддати 1-3 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги

омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93

www.qqb.uz

Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хурматли тадбиркорлар!
«Асака» банк (ОАЖ)

«Export Import Bank of Korea» (Корея) ва «Commerzbank AG» (Германия) кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

Лойиҳалар	Саноат ёки қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа
Қарздор	«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар; «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган Корея капитали иштирок этмаган компаниялар. «Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари.
Кредитлардан мақсадли фойдаланиш	«Export Import Bank of Korea» (Корея) кредит линияси бўйича Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун: — ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш; — стратегик инвестициялар. Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун: — ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш; — ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш. «Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш.

Маълумот учун телефонлар:
8 (371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58

«Асака» банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таяғичи!

Хизматлар аниқлашдан ташқил.



Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла»
хайрия жамоат фонди
Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами
билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89
Котибият: 233-44-25
Факс: 233-10-73



Газета тахририят компьютер марказида
саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликков
Мусаҳҳих: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Э.Жуманов
Нашр курсаткичи: 148

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.